



60

015 у.р. "17" апрел

№ 507-К

Самарқанд т-р Самарқанд

“Қўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Диёр” маҳалласига болалар спорт майдончаси қуриш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 27 мартдаги 78-сонли баённомаси, Давлат экологик экспертизасининг 2015 йил 23 мартдаги 174-сонли хулосаси, Масъулияти чекланган “Гулобод-агротехсервис” агрофирмасининг таъсисчилари билан ўтказилган умумий йиғилиш баёни ҳамда “Диёр” маҳалласи фаёлларининг туман ҳокими номига ёзган хатини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан,

ҚАРОР ҚИЛАМАН

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссия йиғилишининг 2015 йил 27 мартдаги 78-сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.
2. “Қўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини “Диёр” маҳалласига болалар спорт майдончаси қуриш учун “Қўлбаипоён” қишлоқ фуқаролар йиғини МЧ“Гулобод-агротехсервис” агрофирмаси ер харитасининг 97 контуридаги агрофирмага қарашли бузилган эски омборхона ўрнидан жами 0,07 га (шундан: 0,07 га қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган ижтимоий бино ва ховли ерлари ҳисобидан) ер майдони ажратилсин.
3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 01 январ ҳолати ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О.Исмоилов) ва туман Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (У. Очиллов)га топширилсин.
4. Музлатгич омборхонаси ва бетон блок ишлаб чиқариш цехи бино-иншоотларини қуришдан олдин, Ўзбекистон Республикаси “Шаҳарсозлик кодекси”нинг 8, 39 ва 54-моддаларига амал қилган ҳолда, А.Р.Т. лойиҳа смета ҳужжатларини тайёрлаш вазифаси “Диёр” маҳалла фуқаролар йиғини раиси Б. Восеевга топширилсин.
5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров